

РАҚАМЛИ АДАБИЁТДА РЕЦЕПТИВ ЭСТЕТИКА

Абдулазиз Ғайбуллаевич ҚОСИМОВ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

REZEPTIONSÄSTHETIK IN DER DIGITALEN LITERATUR

Abdulaziz Gaybullaevich QOSIMOV

Taschkent, Usbekistan. Taschkenter staatliche Alisher-Navoi-Universität für usbekische Sprache und Literatur

RECEPTIVE AESTHETICS IN DIGITAL LITERATURE

Abdulaziz G'aybullayevich QOSIMOV

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi
Tashkent, Uzbekistan aqosimov1976@yahoo.de

UDC (УЎК, УДК): 372.881.1

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):

Қосимов А.Ғ. Рақамли адабиётда рецептив эстетика // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 2 (37). — Б. 26-34.

<https://doi.org/10.36078/1620221240>

Received: February 28, 2021

Accepted: April 17, 2021

Published: April 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Рақамли технологияларни такомиллаштиришда ва айниқса ушбу технологиялар орқали тил ўрганишда матн билан ишлаш ҳамда матнларни китобхонга мос равишда танлаш муҳим. Чет тилидаги матнни тушуниш ва уни бошқаларга тушунтириш учун, тил ўрганувчи, авваламбор, ўша матнни ўзлаштириши, идрок этиши керак. Бу ходиса фанда рецепция жараёни дейилади. Рецепция жараёнини ўзлаштириш, бағрикенглик, идрок босқичи деб юритиш орқали, ҳар бир матнга алоҳида ёндашув талаб этилиши мақсадга мувофиқ. Рецептив эстетика орқали матн ва ўқувчи орасидаги эстетик масофа қисқаради. Матн-китобхон диалоги рецептив эстетиканинг энг асосий босқичи сифатида таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида матннинг ўқувчига тақдим этадиган эстетик фойдаси бир қатор мисоллар ёрдамида очиқ берилади. Матнга нисбатан китобхоннинг реакция(муносабати)си турли стратегик ёндашувлар асосида очиқ берилади. Юқоридаги босқичларни инобатга олиб, рақамли дастур учун қанақа матн танланмасин, барчаси осондек туюлаверади. Мақолада рақамли дастурларни матнлар билан тўлдиришда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлиги, ўқувчи ва матн ўртасида алоқа ўрнатишда дастурловчилар нималарни билишлари кераклиги ҳам назарий, ҳам амалий талқин қилинади.

Калит сўзлар: рецепция; рецептив эстетика; эстетик реакция таҳлили; матн стратегиялари; матн-китобхон диалоги; эстетик фойда.

Annotation. Bei der Entwicklung digitaler Technologien und insbesondere beim Erlernen von Sprachen durch diese Technologien ist es sehr wichtig, mit Text zu arbeiten und Texte auszuwählen, die für den Leser geeignet sind. Um einen Text in einer Fremdsprache zu verstehen und anderen zu erklären, muss der

Sprachschüler diesen Text zuerst beherrschen und verstehen. Dies wird in der Wissenschaft als Rezeptionsprozess bezeichnet. Durch die Beherrschung des Rezeptionsprozesses und die Annahme, dass es sich um eine Stufe der Toleranz und Wahrnehmung handelt, ist es zweckmäßig, dass für jeden Text eine eigene Herangehensweise erforderlich ist. Durch die rezeptive Ästhetik wird der ästhetische Abstand zwischen Text und Leser verringert. Der Textleserdialog wird als die grundlegendste Stufe der rezeptiven Ästhetik analysiert. Bei der Analyse werden die ästhetischen Vorteile des Textes für den Leser anhand einer Reihe von Beispielen aufgezeigt. Die Reaktion des Lesers auf den Text wird durch verschiedene strategische Ansätze deutlich. In Anbetracht der obigen Schritte scheint alles einfach zu sein, unabhängig davon, welcher Text für eine digitale Anwendung ausgewählt wird. Der Artikel bietet sowohl theoretische als auch praktische Einblicke in die Aspekte, auf die beim Füllen digitaler Programme mit Text zu achten ist, und darauf, was Programmierer bei der Kommunikation zwischen einem Leser und Text wissen müssen.

Schlüsselwörter: Rezeption; Rezeptionsästhetik; Analyse ästhetischer Reaktionen; Textstrategien; Text-Leser-Dialog; ästhetischer Vorteil.

Abstract. The process of learning languages through digital technologies is very important to work with texts that are suitable for the reader. To understand a text in a foreign language and explain it to others, the student must first master and understand this text on his/her own. This process is regarded as the reception process. By mastering the reception process and assuming that it is a level of tolerance and perception, it is appropriate that a separate approach is required for each text. The receptive aesthetics reduce the aesthetic distance between text and reader. The text reader dialogue is analyzed as the most basic level of receptive aesthetics. During the analysis, the aesthetic advantages of the text for the reader are shown using a series of examples. The reader's reaction to the text becomes clear through various strategic approaches. Given the steps above, it all seems easy no matter what text is chosen for a digital application. The article provides both theoretical and practical insights in filling digital programs with text and what programmers need to know when communicating between the reader and text.

Keywords: reception; reception aesthetics; analysis of aesthetic reactions; text strategies; text-reader dialogue; aesthetic advantages.

Рақамли технологиялар тобора ривож топаётган ҳозирги кунда асосий эътибор тил ўрганиш ёки такомиллаштиришга қаратилмоқда. Тилни мукамал ўрганишда эса тили ўрганилаётган мамлакатнинг миллий адабиётига назар ташлаш ҳам фойдадан холи эмас. Бунинг учун эса рақамли дастурлар яратувчилари ўша миллатнинг энг етук ва таниқли ёзувчи-шоирларининг асарларидан фойдаланишлари зарур. Адабиётшуносликда муаллиф ва матнга нисбатан китобхон шахсига қизиқишнинг ўзгариши XX асрнинг 60-йиллари рецептив эстетика деб аталмиш соҳада янада ривожланди. Агар илгари бирор-бир матн ёки мунозарага объект нуқтаи назаридан баҳо берилган бўлса, ҳозирги босқичда тадқиқотчилар бадий қабул қилиш жараёни, матнни идрок этиш, уни изоҳлаш жараёнига кўпроқ қизиқиш билдирмоқдалар. Ушбу ёндашувнинг асосий ғояси: бадий асар ўз китобхонидан алоҳида мавжуд эмас, ҳар бир мутолаа

ҳаққонийдир. Мутолаа — доимий диалогдир, китобхон ва бадиий асарнинг учрашувидир (9, 43–46).

Айнан бу масалага психологик, педагогик ва эстетик нуқтаи назардан таҳлилий ёндашув зарурияти долзарб вазифалардан биридир. Айниқса ўқиладиган ва ўқитиладиган матнларнинг интерпретацияси, лисоний таҳлили бадиий жараёни ташкил этишда, бадиий матнларни танлашда дастуруламал бўлиши табиий. Аммо, афсуски, айни дамда интернет саҳифаларида тили бироз ғализ, тўғридан-тўғри таржималарни мутахассис таҳририсиз тақдим этиладигани савиянинг пасайиб кетаётганидан далолат беради. Рақамли техника воситалари орқали оммага ҳавола этиладиган матнлардаги имловий хатолар бу соҳада фақат дастурловчиларга эмас, балки тилшунос ва адабиётшунос мутахассисларга ҳам эҳтиёж етарли эканлигини кўрсатиб турибди.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, диққатни муаллиф-матн-китобхон учлигига қаратамиз. Асосий мақсад, қайси йўналишда бўлишидан, ким учун мўлжалланишидан, қаерда чоп этилишидан қатъи назар, матнга тўғри муносабатда бўлиш, матндан самарали ва оқилона фойдаланиш талаб этилади. Айниқса матннинг эстетик таҳлили, таҳлил стратегиялари, ижтимоий-маданий даврнинг матнга таъсири жиҳатлари муҳокама марказига тортилади. Матнга ёндашувнинг рецептив усули кенг камровда тадқиқ этилмаган.

Рецептив эстетика, бошқача аталиши — “таъсир эстетикаси” — матннинг ҳаётини, унинг турли даврларда идрок этилишини, талқиннинг ижтимоий-маданий вазиятга боғлиқлигини ўрганадиган эстетиканинг соҳаси; матн ва китобхон ўртасидаги мулоқот эстетикаси. Адабиёт назариясида бу йўналиш ўқувчи (ёки “аудитория”)га ва унинг бадиий асарни ўқиш тажрибасига қаратилган.

Рецептив эстетика назарияси доирасида жуда кўп ёндашувлар мавжуд. Аммо рецептив эстетика китобхонда мутолаа жараёнида ўзи пайдо бўлади. Вольфганг Изер томонидан қўллаб-қувватланган назария матннинг “кўмилган” маъноси билан ўқувчининг ҳиссиёти, тажрибаси ва билими ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англатади (3, 128). Қолаверса, матннинг таъсири, китобхоннинг матнга муносабати, талқини ҳам рецептив эстетика шуғулланадиган жиҳатлардир. Дастурловчилар матнларни танлашда ана шу жиҳатларни инобатга олишлари шарт.

XX асрнинг биринчи ярмида Германияда шундай бир йўналиш ва ҳаракат пайдо бўлдики, бу ҳаракат мутолаа жараёнини бемалол таҳлил қилиб, аниқ бир тизим (система)га солишнинг имконини бера олди. Бу жараён **рецепция** деб аталди. Хўш, рецепцияни аслида қандай тушуниш керак? Бу сўзнинг луғавий ва истилоҳий маъноси қанақа?

Рецепция атамаси дунё олимлари томонидан турлича ёндашув асосида талқин ва таҳлил этилади. Польшалик файласуф Роман Ингарден рецепция — бадиий санъат асарининг тушунилишидир, деган фикрни илгари суради. Россиялик тилшунос ва адабиётшунос олим Виктор Жирмунский фикрича, бадиий асар рецепцияси адабий таъсир жараёнининг асосидир. Европа ва рус эстетикасида янги бир соҳа пайдо бўлганини таъкидлаган профессор Абдуғафур Расулов, бу соҳани рецептив ёндашув ёхуд ўзлаштириш, қабул қилиш эстетикаси (10, 85) деб атайди. Айнан шу йўналишга Абдулла Шер

эстетик идрок этиш, дея ёндашган ҳолда, санъат асарини “тушуниш”ни назарда тутати ва бу фикри билан польшалик олим Роман Ингарденнинг фикрини айнан тақрорлайди (11, 349). Профессор Абдурахим Эркаев эса мутолаа жараёнида асарга ва муаллифга нисбатан бағрикенглик билан муносабатга киришган ҳолда, эстетик онг ва бадий билиш, англаш муҳимлигига эътибор қаратади (12, 140).

Рецепциянинг шартлари қадимги даврлардан бери мавжуд. Биринчи навбатда, бу Аристотелнинг бадий идрокни назарий жиҳатдан тушуниш ва унинг “катарсис” (руҳий покланиш таълимоти) ва “каолокогот” (маънавий таъсирга дучор шахсдаги ўзгаришларни англаш илми) тушунчаларидир. Афлотун санъатнинг “магнит кучи” ҳақида гапиради, у идрокни ўз кучида ушлаб туради, санъатнинг томошабин қалбига таъсирини ва натижада асарни баҳолашнинг ўлчови сифатида цензуранинг зарурлигини муҳокама қилади. Антик даврда мавжуд бўлган бефарқлик, хайрихоҳлик (симпатия) ва бошқа тушунчалар адабиёт назариясида, матн полисемиясини ўрганишда ва рецепциясида замонавий талқинда тикланмоқда (10, 103).

Бугунги кунда рецептив эстетика адабий жараёни ўрганишнинг янада самарали усулларини, йўлларини излашни мақсад қилган. “Китобхоннинг роли” — талқин қилиш муаммоси эмас. Битта матн жуда кўпчилик томонидан мутолаа қилиниши мумкин, аммо айнан шу матннинг тушунилиш, талқин қилиниш ҳолати аниқ чегаралар ичида содир бўлади. Рецептив эстетика учун ўқувчи қандай муносабат билдириши, бошқача айтганда, мутолаа пайтида матнни қай тарафга йўналтириши, китобхонлик тўғуларини бошқара билиши, реципиентнинг ижодий қобилиятларини фаоллаштириши муҳим.

Адабиётшуносларни эстетик реакция таҳлили, матн стратегиялари, мутолаага киришиш, ижтимоий-маданий ҳаётнинг бадий матнга таъсири каби масалалар қизиқтирмоқда.

Эстетик реакция таҳлили орқали, умуман олганда, “эстетика” терминини фанга киритган немислар ҳаётнинг барча жабҳаларида, фаннинг барча тармоқларида ушбу атаманинг ўрнини ҳам белгилаб бердилар. XVIII асрнинг биринчи ярмида адабиётда эстетика тушунчаси пайдо бўлди. Бу айнан рецепция билан ва, қолаверса, “таъб” билан узвий боғлиқдир. Вольтер ўзининг “**Таъб**” номли трактатида (7, 277) асарнинг тушунилишида эстетик диднинг роли муҳимлигини айтиб ўтади. Демак, рецепция атамасидан олдин таъб тушунчаси ишлатилганини Ҳанс Норберт Фюген ўзининг “*Die Hauptrichtungen der Literatursoziologie und ihre Methoden*” (“Адабий социологиянинг асосий йўналишлари ва методлари”) асарида таъкидлаб ўтади (2, 231). Ҳанс Роберт Яусснинг рецепция тарихига оид қарашлари XX асрнинг 60-йиллари охирига келиб адабиётшуносликнинг янгича йўналишига тўртки бўлди. Яусс асар ёки унинг аниқ таҳлили билан эмас, балки асар ёзилган давр шароити билан ҳисоблашишни талаб қилди. Асар мулоқот жараёнида матн деб тушунилади. У (асар. — А.Қ.) давр ҳақидаги аниқ маълумот билан китобхонни таъминлайди ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқувчи тарих манзарасини таҳлил қилиш имконига эга бўлади. Рецепция тарихи нуқтаи назаридан асар тушунчаси салбий ва метафорик таърифланган: “Бадий асар монологик равишда ўзининг вақти чегараланмаган борлигини намоён этувчи монумент эмас. У

партитура (кўп овозли мусика асарида ҳамма қисмларнинг мажмуи) каби доимо янгиланиб турадиган, сўзлар материясидан иборат мажмуадир” (4, 138). Асар ҳерменевтик мулоқот учун фаол китобхонга муҳтождир. Чунки китобхон асарнинг аслигини очиб берувчи ва унинг талқин этилишига кўмак берувчи восита ролини ўйнайди. Асар ёзилганда эмас, балки ўқилганда яъни рецепцияда қай даражада маъно қурилишига эгаллиги кўзга ташланади. Яхши асар ҳар сафар мутолаа қилинганда, доим янги тузилма (конструкция) кашф этилса, демак, асар китобхони ҳар сафар рецепциянинг тўғри йўналишини танлаган, деса бўлади. Бу даражадаги асарлар нуфузли ва эскирмайдиган манбалар сирасига киради ҳамда ҳерменевтик режанинг аниқ белгиланганидан далолат беради.

Матн стратегияларига кўра, Яусснинг дастлабки қизиқиши матннинг структурасига эмас, балки адабий-тарихий жараёнга қаратилган эди: “Мутолаа қиладиган китобхон, таҳлил қиладиган танқидчи ва асарни дунёга келтирувчи ёзувчи иштирокида бадиий матнлар асосида эстетик рецепция жараёни вужудга келади. Муаллиф, асар ҳамда китобхон учбурчак занжирга қиёсланади ва ундаги учинчи қисмдан фаоллик талаб этилади. Китобхон адабиёт тарихининг яратилишида бадиий асарлар ҳақидаги ўз фикрлари, муносабатлари билан асосий рол ўйнайди”(4, 143).

Яусс методик жиҳатдан адабиёт тарихини ёзишда қуйидаги уч аспектни ривожлантиришни таклиф қилади (4, 146):

1. *Адабий қатор*даги бирор асарга тарихий нуқтаи назардан қараш, яъни асарнинг ўзидан олдинги ва кейинги асарларга бўлган муносабатини ўрганиш.

2. Бирор асарнинг адабий системадаги бошқа замондош асарларга нисбатан таркибий муносабатларини тадқиқ қилиш.

3. Адабиёт тарихининг жамият тарихи билан муносабатини қайта яратиш (реконструкция). Аммо гап фақат асарнинг ўқилишида эмас, балки китобхонларнинг асар ҳақидаги тасаввурлари ва асарга йўналтирилган “чақириқлар”и ҳақидадир. Рецепцияга назар ташлаб, Яусс адабиёт тарихини “сохта тарих” деб баҳолайди, чунки адабиёт ҳақидаги “объектив” маълумотлар чалкашиб кетган эди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Яусс танқидий ёки тасдиқловчи муносабатларни, авлоддан-авлодга етказиш жараёнлари ёки асарнинг унутилиши ҳамда қайта кашф этилишини тадқиқ этишни асосий планга қўйди: “*Шундай асарлар борки, улар наир этилгандан сўнг аста-секин ўз китобхонини топиб, ўзларига жалб этишлари, яъни асарлар ичидан отилиб чиқишлари учун бироз вақт керак бўлади. Китобхон асардан кутган натижага етгач, аввал муваффақиятли деб ҳисобланган асарларга нисбатан муносабат эскиради ва янги асарлар ўз кўзлаган даражаларига эришадилар*” (4, 135).

Яусс рецепцияни “тарихни яратувчи қувват” деб баҳолайди: “*Адабиётнинг жамиятдаги вазифаси агар адабий тажриба китобхоннинг ҳаёт тарзига кириб бориши имконига эга бўлганда, китобхоннинг дунёқарашини шакллантира олганда ва жамиятга муносабатини юксалтирганда яққол намоён бўлади*” (4, 135).

Мутолаага киришишда Яусснинг ҳамкасби Вольфганг Изер тарихий рецепция шартларига кўра, кенг қамровли мутолаа назариясини ишлаб чиқди. Асар эмас, балки у билан бўладиган мулоқот эстетик таъсир предметини ифодалайди. Изер мутолаа жараёнида “ноаниқ (имплицит) китобхон”нинг асар билан бўладиган

диалогдаги ролига тўхталади ва диалог тузилмасини қайта қурмокчи бўлади. Китобхон ўқиш жараёнида янгича гипотезалар (тахминлар) қабул қилади ва асарнинг давоми ҳақида ҳали ўқиб тугатмасданок ўзича фикрлар юритади. “*Китобхон рецепция жараёнида ўзи билган ва билим доирасида зикр этилган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабат билдиради, мавжуд анъаналарга мос келишини ўрганади ва мос келмайдиган ҳолларда мослаштиришига уриниб кўради*” (3, 128). Мутолаа жараёнида китобхон ўзининг барча билимларини ишга солади, билганларини такрорлайди ва билимининг “кемтик жойлари”ни “тўлдиради” ва аниқлаштириб олади. Баъзан асардан кутилган горизонт китобхоннинг ахлоқий қарашларига мос келмаслиги ҳам мумкин.

“Констанц мактаби” тушунчаси остида хулоса қилинадиган Яусснинг рецептив эстетикаси ҳам, Изернинг таъсир эстетикаси ҳам немис адабиётшунослигининг методлари ривожига ўз таъсирини ўтказди.

Ижтимоий-маданий ҳаётнинг бадий матнга таъсири китобхоннинг — адабий коммуникация (мулоқот)да яқунловчи занжир эканлигини белгилаб беради. Матн — китобхон ҳаракатга келтирадиган унсурлар занжиридир. Бунинг икки таърифи бор:

1. Бадий асар — бадий матн асосига қурилган муаллиф ва китобхон ўртасидаги диалогнинг бир тури.

2. Бадий асар ўқилиб, шарҳланмагунча, тавсия қилинмагунча, мавжуд деб тан олинмайди.

Немис олими Александр Хумбольт реципиент билан диалог имкониятлар концепциясини қуйидагича ифодалайди: “Ҳар қандай санъат асарини, гўё рассом томонидан яратилган асар каби, мустақил индивид каби қабул қилиш мумкин. Асар худди тирик жонзотдек. Асарнинг ҳам, муайян образлар ҳисобига, ички қуввати ва ҳаёт тамойили мавжуд” (8, 224). Демак, санъат асари — ўзига хос тафаккурга, ҳатто ҳаётий фаолликка эга бўлган тўлақонли “шахс”дир.

Рецептив эстетика учун энг асосийси матн ва китобхон ўртасида “аниқ чегара”нинг қўйилиши ҳисобланади. “Матн-китобхон” диалогик муносабатини бир мавқега эга икки суҳбатдошнинг ҳолати, деб тушуниш муҳим, ўртадаги “чегара” суҳбатнинг “очик-ойдинлиги”ни белгилайди.

“Матн-китобхон” муносабатлари — “савол-жавоб” режимидаги суҳбат эмас, балки адабий асарнинг кўп қиррали эканини намоён этувчи маънолар ва матнлар мулоқотидир. Китобхон матний унсурларини ҳаракатга келтиради, шу тарика шахсий семантик алоқалар ва бирликлар шаклланади. Бадий асар рецепциясида буларнинг ҳаммаси жонланади. Асар ичкарисида турли семантик бирликлар, ўқувчининг дунёқараши ва фикрлаш оламига бориб уланадиган ўзига хос ҳаракат пайдо бўлади, яъни асар ҳақида гап борар экан, тўғридан-тўғри умумийликни ташкил этувчи матн ва китобхонни назарда тутамиз. Пассив синтез орқали ҳар иккала томон (ёзувчи ва китобхон)нинг бир ҳолат юзасидан ягона фикрлари вужудга кела бошлайдики, китобхон ўзининг ички истақлари билан ёзувчини “таъқиб” қила бошлайди ва асардаги ижобий қаҳрамонларни асраб-авайлашга ўтади. Диалог муносабатларига асосланган мутолаани фикрий ҳолат сифатидаги таҳлили натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1) матн — кўп қиррали контекст ҳолатида мавжуд фикрлар жамланмасидир;

2) ҳолатни ифодалаш — бир ёки бир неча семантик бирликларда ўз аксини топган семантик майдондир;

3) китобхон образи аввал бошдан ёзувчи билан бир хил даражада туради.

“Мутолаа — бошқа субъектни тушунишдир”. М.Бахтиннинг таъкидлашича (6,492), ҳар қандай фикрга муносабат билдириш — диалогнинг бошланишига олиб келади. Асарни мутолаа қилиш жараёнида бошқа субъектнинг фикрларини ўқий бошлаймиз, демак, жонли мулоқотга киришамиз. Аммо одатий суҳбатда бўлгани каби китобхон мутолаа жараёнида асарнинг ўзига маъқул келган жойларини, ўзи ёқтирган ёки ёмон кўрган қаҳрамонларини эслаб қолади. Реципиент асарга доимо бир система сифатида қараши керак. Чунки асарни бошқа шахсга гапириб бериш жараёнида тизимли равишда ҳар бир босқичда тўхталади. Бу эса адабиётшуносликда херменевтик жараёни акс эттиради. Агар асар мантиқий жиҳатдан аниқ структурага эга бўлса, рецепциянинг маъно диапазони кенгайиб, талкинлар турличалиги ҳам ортиб боради. Айнан шундай структурага эга асарлар нафақат китобхонлар, балки танқидчи ва таҳлил қилувчилар томонидан ҳам севиб ўрганилади. Мукамал бадий асар бино деб олинса, таҳлил қилишни истаганлар учун қайси қаватда нима жойлашганини, ҳаттоки, қайси хона нима учун мўлжалланганини асарнинг ўзи айтиб кетаверади, китобхоннинг қўлидан етаклаб, барча босқичларни, қаватларни айлантириб чиқади. Мақсадимиз — фикр юритиш, англаш, тушуниш, кўп маънолилиқни қабул қилиш ва якуний хулоса чиқаришдир (5, 426). Ўқувчи нуқтаи назаридан асарнинг якуни очиқ диалог бўлсагина, китобхондан фикрлаш талаб қилинади, у якуни ёзувчи билан бирга ёзиб қўйишни ихтиёр қилса, асарнинг нақадар раво ва теран ёзилганидан далолат беради.

Анча йиллардан бери матнларнинг ёзилиши адабиётшуносликнинг диққат марказида бўлиб келди. Адабиёт билан илмий муносабатни асосан матнни ишлаб чиқариш ва тақдим этиш эстетикаси ташкил этди. Маълумки, матнлар ўз-ўзидан мутолаа учун ёзилади. Аммо биринчи мутолаанинг ўзидаёқ китобхон матннинг маъзини дарҳол чақа оладими ёки матн ўқувчига биринчи галдаёқ машҳур асарлар каби тушунарли бўладими? Турли жанрдаги матнлар китобхонларнинг янги авлодини машҳур мумтоз асарлар сингари мафтун эта оладими?

Бадий матнлар юзасидан мулоҳаза юритилганда, албатта, китобхоннинг роли ҳақида ҳам гап боради (1, 27). Ушбу кузатувнинг назарий асосланиши адабиётшуносликда бир қатор ўзгаришларга сабаб бўлди. Рецепция назарияси ва тадқиқоти асар ҳамда унинг талқини ҳақидаги тушунчаларга таъсир кўрсатди. Улар рецепция ва таъсир тарихи билан бирга адабиёт тарихига махсус йўл очди ҳамда адабий-ижтимоий нуқтаи назардан келиб чиқиб, эътиборни мутолаа муносабатига йўналтирди. Китобхон шахсияти ва ўқиш жараёнига қизиқиш орқали адабиётшуносликнинг анъанавий трансформация кенгликлари бойиб боради. Рецепция истиқболнинг импульслари адабиётшуносликнинг барча тамойилларида намоён бўлади. 1967 йил Ханс Роберт Яусс адабиёт тарихини ёзишда ва адабиётни таҳлил қилишда асосий босқич, яъни китобхон назардан четда

қолдирилаётганини аниқлаган. У 1967 йил Констанц шаҳрида ўқиган “Адабиёт тарихи адабиётшуносликнинг провокацияси сифатида” маърузасида (1970 йил кенгайтириб ёзган) ҳар қандай асар жамиятни ўзида акс эттиради, яъни қайта яратиш эстетикаси вужудга келади ва матн ўз структураси орқали ана шу эстетикани намоён этади, бу эса тасвир эстетикаси деб юритилишини таъкидлайди (4, 127).

Асосан “эстетик фойда” даставвал ўқиш жараёнида матн ва китобхон ўртасида “диалогик” мулоқот тарзида вужудга келади (3, 123). Шунга кўра, бирор асарни китобхон тўғри ёки нотўғри тушунди, дейиш анча мушкул. Худди шунингдек, асарга салбий ёки ижобий баҳо бериш ҳақида аниқ қондани айтиш қийин. Яусс эса бу борада китобхоннинг ижтимоий шарт-шароитлари ва тажрибаларидан келиб чиқиб (асардан кутиладиган горизонт), ҳерменевтик реконструкция нуқтаи назаридан матнга ёки асарга ёндашишни таклиф қилади, чунки “*матн замондош китобхон саволларига жавоб бера олади*” (4, 136).

Матннинг мазмун-моҳиятини англамай, китобхонга ёки тил ўрганувчига тақдим этиш самарадорликка ҳам, сифатга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг олдини олиш мақсадида тайёрланаётган рақамли дарсликлар, кўлланмалар қуйидаги талабларни ҳам назардан четда қолдирмасликлари керак:

биринчидан, ишлаб чиқилган дастур ким учун мўлжаллангани, яъни китобхоннинг ёши, психологияси, билим, тажрибаси инобатга олиниши;

иккинчидан, гап рақамли технология ёки китоб ҳақида борса-да, матн танланишига, унинг таъсир эстетикасига эътибор қаратилиши;

учинчидан, матннинг “кўмилган” маъноси иложи борича очиб берилиши;

тўртинчидан, материал қайси форматда тақдим этилишидан қатъи назар китобхон диққат марказида бўлиши;

бешинчидан, мутолаа — китобхон билан муаллифнинг имплицит (яширин. — А.Қ) суҳбати эканини унутмаслик ва шунинг учун бу жараёни самарали ташкил этилишида кўмак бериш;

олтинчидан, матнларнинг мазмун-моҳиятини англамасдан танла-нишига умуман йўл қўймаслик зарур.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлаш жоизки, матн сўзлар йиғиндиси ёки кетма-кетлиги эмас, балки тирик мавжудот сингари яшашга ҳақли, ҳис-туйғуга эга ва китобхон билан бемалол мулоқот қила оладиган сеҳрли бир хилқатдир. Бу хилқатнинг қадрига етмаслик, ундан ўз ўрнида, тўғри фойдаланмаслик келгуси авлодни тузалмас дардга мубтало қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Baasner/ Zens, Methoden und Modelle der Literaturwissenschaft, eine Einführung, 2., überarbeitete und erweiterte Auflage, ERICH SCHMIDT VERLAG, 2001. — 272 s.
2. Fügen Hans Norbert: Die Hauptrichtungen der Literatursoziologie und ihre Methoden. Bonn, 1966, 231 s.
3. Iser Wolfgang: Der implizite Leser, München, 1972.
4. Jauss, Hans Robert: Literaturgeschichte als Provokation der Literaturwissenschaft. Konstanz, 1967.

5. Барт Р. Избранные работы // Вступительная статья Г.К. Косикова. — М.: Прогресс, 1989. — С. 426–426.
6. Бахтин М. Литературно-критические статьи. — М.: Художественная литература, 1986. — С.492.
7. Вольтер, Франсуа Мари Аруэ, Эстетика. Статьи. Письма. Предисл. и рассуждения. Сост., вступит, статья и ком мент. В.Я. Бахмутского. Пер. Л. Зониной и Н.Наумова. — М.: Искусство, 1974. — 392 с. (История эстетики в памятниках и документах). — С. 267–281.
8. Гумбольдт А. Язык и философия культуры. — М.: Прогресс, 1985. — С. 224–448.
9. Ковылкин А.Н. Литературное произведение и проблема рецепции// Вестник Башкирского университета, — 2007. Т.12. — №3. — С. 43–46.
- 10.Расулов А. Бадийлик — безавол янгилик: Илмий-адабий мақолалар, талқинлар, этюдлар. — Т.: Шарқ, 2007. — 336 б.
- 11.Sher Abdulla Estetika (nafosat falsafasi). — Т.: O'zbekiston, 2015. — 368 б.
- 12.Эркаев А. Эстетик онг ва бадий билиш // Жаҳон адабиёти, — 2015. — №11. — Б. 134–143.